

Жамоатчилик фикри асосида шакланган бюджет (ЖФШБ) – маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига туман/шаҳар бюджетлари маблағларининг бир қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида йўналтириш: таклифлар беришдан ғолибларни аниқлаб олишгача

1-босқич

ЖФШБ лойиҳаларини ишга туширилиши ҳақида хабардор қилиш

1 февраль
ҳамда 15 июлгача

2021 йилда май ойида



туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари, "Очиқ бюджет" ахборот портали ва бошқа ахборот манбалари орқали лойиҳаларни тақдим этиш тасдиқланган мезонлар ва бошқа шартлар ҳақида аҳолини хабардор қилади.

Лойиҳаларни танлаш февраль ва июль ойларида амалга оширилади

3-босқич

Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва танлаш: Ишчи комиссия келиб тушган лойиҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини ўрганади

15 иш куни

Лойиҳалар:

ҳудуд (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак

таклиф берувчининг шахсий манфаатларига қаратилмаслиги керак (шахсий машина сотиб олиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар)

лоийҳанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 000 бараваридан (≈ 1 миллиард сўм) ошмаслиги керак

ҲОКИМИЯТ БЎЛИМЛАРИ ВА ИШЧИ КОМИССИЯ:



лоийҳаларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказиши



лоийҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини текширади ва саралайди



жамоатчилик овози учун жойлаштиради



танловдан ўтмаган лойиҳалар бўйича шахсий кабинетга маълумотлар юборилади

2-босқич

Таклиф бериш: манфаатдор фуқаролар ўз маҳаллалари, аҳоли пунктлари ва туманларининг муаммоларини ҳал этиш бўйича "Openbudget.uz" платформаси орқали лойиҳаларга таклиф қолдирадilar

30 кунгача

Бун қандай амалга ошириш керак?

1




«Openbudget.uz» сайтдан рўйхатдан ўтиш шахсий кабинет очилади

шахсий кабинетда

ТАКЛИФ ҚОЛДИРИШ

вариантини танлаш



бунда таклиф қолдириш шакли юкланади

3

АРИЗА ШАКЛИ ТЎЛДИРИЛАДИ лойиҳага таклифлар қолдирилади

4



шахсий кабинетда тегишли **ХАБАРНОМА** пайдо бўлади

4-босқич

20 иш кунгача

"Openbudget.uz" сайтида жамоатчилик овози – фуқаролар лойиҳаларга овоз беради



Ҳар бир фуқаро фақат битта лойиҳа учун овоз бериш ҳуқуқига эга

5-босқич

7 кун

Ғолиб деб топилган лойиҳаларни эълон қилиш – Ишчи комиссия энг кўп овоз тўплаган ғолиб-лоийҳаларни эълон қилади



Ғолиб-лоийҳаларнинг сони жорий саралаш босқичида амалга ошириш учун ажратилган маблағлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади

2021-йилда туман (шаҳар)лар томонидан қўшимча равишда олинадиган даромаднинг **10** фоизи (1 июлдан 30 %)


ЖФШБ лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади

Тажриба тариқасида олинган туман (шаҳар)ларда + бюджет харажатларининг **5** фоизи миқдоридан

2022 йилдан бошлаб ҳар иккала манбалар бўйича барча туман (шаҳар)ларда амалга оширилади



Кимлар иштирок этиши мумкин?



Ҳар бир вояга етган фуқаро



Фуқаролар жамоаси

Ҳуқуқий асос

Бюджет кодексининг 126-моддаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3917-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сон қарори



БУ МУҲИМ!

Жамоатчилик иштирокининг ушбу шаклини муваффақиятли қўллашда маҳаллий ҳокимият органларининг ёрдами ва аҳолининг фаоллиги зарур

Жамоатчилик фикри асосида шакланган бюджет (ЖФШБ)

маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига туман/шаҳар бюджетлари маблағларининг бир қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида йўналтириш



Туман/шаҳар фуқаросига ўзларини қийнаётган муаммоларини ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини беради

Фуқаролар фаоллигини оширади

Фуқаролар ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигига ўз ҳиссасини қўшади

Иштирок этиш учун нималар зарур?



Таклифни – ЖФШБ лойиҳасини тайёрлаш



“Очиқ бюджет” openbudget.uz порталида рўйхатдан утиш



“Очиқ бюджет” порталига лойиҳа тақдим этиш

Ундан сўнг?

Ишчи комиссия томонидан таклифлар/лоийҳаларни белгиланган мезонларга мувофиқлигига текшириш, лойиҳаларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказиш



техник экспертизадан ўтган лойиҳаларни “Очиқ бюджет” порталида овоз бериш учун жараёнига ўтказиш



Онлайн жамоатчилик овози – ғолибларни танлаб олиш

Фуқаролар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича ишчи Комиссиянинг таркиби

- Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ходимлари
- Туман (шаҳар) ҳалқ депутатлари
- Жамоатчилик кенгаши вакиллари
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари

ФУНКЦИЯ ВА ФАОЛИЯТ БОСҚИЧЛАРИ

- Фуқаролар томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқлиги учун тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, шунингдек уларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказиш
- Жамоатчилик овози учун жойлаштириладиган текширув ва экспертиза натижалари асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантириш
- Ғолиб деб топилган лойиҳаларни аниқлаш учун жамоатчилик овози бўйича натижаларни ҳисоблаш

Фуқаролар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилаётган маблағлар



Туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбаларининг

10% (2021 йил 1 июлдан бошлаб – камида 30%)

Туман ва шаҳар тасдиқланган бюджет харажатларининг **5%**

- 2021 йил майдан бошлаб вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг тажриба тариқасида танлаб олинган туманида (шаҳрида)
- 2022 йил 1 январдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида

Ҳар бир туман (шаҳар) даражасида ташкил этиладиган **“Фуқаролик ташаббуси жамғармаси”**

ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш учун **“Фуқаролик ташаббуси жамғармаси”**дан маблағ ажратиш

Он-лайн жамоатчилик овози натижаларига кўра халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган жамоатчилик фикри асосида танлаб олинган фуқаролик ташаббуслари таклифлари (лоийҳалари)ни молиялаштириш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори (фармойиши) лойиҳаси тайёрланади


Қаердан батафсил маълумот ёки маслаҳат олиш мумкин?



“Очиқ бюджет” openbudget.uz сайтида



Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги сайтида



Ҳокимият молия бўлими



Жойларда ўтказилаётган ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича семинарлар

YANGILIKLAR

ОАВ (телевидение, радио, газета ва журналлар)

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли



ЖФШБ лойиҳаларини танлашнинг навбатдаги саралаш босқичини эълон қилиш



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) кўмагида туман (шаҳар) аҳолиси ўртасида ЖФШБ лойиҳаларини саралаш тартиби ва мезонлари бўйича тушунтириш ишларини (семинар ва тренинглар) олиб бориш



ЖФШБ лойиҳалари юзасидан таклифларни “Очиқ бюджет” платформаси ёрдамида (ёки очик тартибда) қабул қилиш



Тақдим этилган ЖФШБ лойиҳаларини белгиланган мезонларга мувофиқлигини текшириш ва лойиҳаларни иқтисодий экспертизадан ўтказиш



Он-лайн жамоатчилик овоз бериш жараёнини ўтказиш ва натижаларни ҳисоблаш



Жамоатчилик овози учун текширувдан ўтган лойиҳаларни жойлаштириш



ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш



Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш



ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини очик бюджет порталига жойлаштириш



Ижтимоий сўров натижалари – фуқароларни қийнаётган муаммолар



Йўл қурилиши ва таъмирлаш



Кўчаларни ёритиш тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш



Ижтимоий муассасаларни таъмирлаш ва жиҳозлаш (мактаблар, болалар боғчалари ва бошқалар)



Ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва бошқалар